



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 29 сентябрь, № 204 (8547)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ГЕРМАНИЯГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федерал Канцлери Олаф Шольцнинг таклифига биноан 28 сентябрь куни ташриф билан Берлин шахрига келди.

“Берлин-Бранденбург” халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Берлин федерал ўлкаси ички ишлар, рақамлаштириш ва спорт вазири Ирис Шпрангер ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

29 сентябрь куни Ўзбекистон етакчиси Марказий Осиё ва Германия давлат раҳбарлари саммитида иштирок этади, Федерал Президент Франк-Вальтер Штайнмайер ва Федерал Канцлер Олаф

Шольц билан музокаралар ўтказди. Ташриф дастуридан ишбилармонлик тadbирлари ҳам ўрин олган.

ЎзА.

ГЕРМАНИЯ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ТАЙЁР

Германиянинг “FAZ.NET”, “Tagesspiegel”, “ZEIT ONLINE”, “Mittelbayerische Zeitung”, “Thüringer Allgemeine”, “Handelsblatt”, “BoersenNEWS”, “Neue Westfälische”, “Nordbayern”, “Nordsee-Zeitung”, “Weser Kurier” ва бошқа етакчи босма ҳамда электрон нашрларида ГФР ва Марказий Осиё давлатлари Президентларининг Берлинда бўлиб ўтадиган учрашуви тўғрисида хабарлар тарқатилди.



мамлакатга муқобил ҳамкорликни тақлиф этади.

Расмий хабар Германия Федерал Президентининг веб-сайтида ҳам эълон қилинган. Унда қайд этилишича, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон раҳбарлари билан учрашув 2023 йил 29 сентябрь куни маҳаллий вақт билан соат 08:45 да (Тошкент вақти билан — 11:45)

Германия Федерал Президентининг “Бельвю” қароргоҳида бўлиб ўтади.

ОАВ хабарларига кўра, учрашувдан олдин “Бельвю” саройига кираверишда анъанавий биргаликда суратга тушиш маросими бўлиб ўтади.

«Дунё» АА.

Биз ва жаҳон

Немис нашрларида таъкидла нишича, 29 сентябрь куни Марказий Осиё республикаларининг барча беш давлат раҳбарлари Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц ва Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер билан музокаралар ўтказиш учун илк бор Берлинда йиғиладилар.

Тарқатилган хабарларда Германия Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон билан алоқаларни кенгайтириш ниятида эканлиги маъ

лум қилинган. Олаф Шольц илк бор Марказий Осиёнинг барча беш давлат раҳбарлари билан 29 сентябрь куни канцлер идорасида қўшма форматда учрашади. Биргаликда тушликдан сўнг икки томонлама музокаралар ўтказилиб, унда минтақавий ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш истикболлари муҳокама қилинади.

Маълумотларга кўра, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Германия иқтисодиёти Шарқий қўмитаси форумига ҳам таклиф этилган. Европа Иттифоқи бу беш

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР МЕҲНАТИНИНГ ЭНГ ЁМОН ШАКЛЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН САЎЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРАДОРЛИГИ БЎЙИЧА ЭНГ ЯХШИ ТОИФАГА КИРДИ

Ўзбекистон элчихонаси маълумотларига кўра, 26 сентябрь куни АҚШ Меҳнат вазирлиги болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги ҳисоботни (“TDA Report”) эълон қилди.

Унда давлатимиз томонидан болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар самарадорлиги бўйича Ўзбекистон кетма-кет иккинчи йил “сезиларли тараққиёт”нинг энг яхши тоифасига кирди.

Эътироф

Эслабб ўтамиз, 2011 йилда Ўзбекистон “давлат томонидан болалар меҳнати-га барҳам бериш бўйича ҳеч қандай мазмунли саъй-ҳаракатларни амалга оширмагани” учун 4-тоифага киритилган эди. 2018 йилда АҚШ Меҳнат департаменти қарори билан Ўзбекистон дарҳол “ўртача” тараққиёт билан 2-тоифага, 2022 йилда эса “сезиларли тараққиёт” тоифасига ўтказилди.

Охириги ҳисоботга кўра, бу йил 131 давлат ичида Ўзбекистон Аргентина, Колумбия ва Кот-д’Ивуар билан биргаликда “сезиларли тараққиёт” мақомига сазовор бўлган атиги 4 давлат қаторидан жой олди. Таъкидлаш жоизки, баҳолашда болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тақиқловчи қонунлар ва меъёрий

ҳужжатлар, мурожаатларни кўриб чиқиш ва бундай ҳуқуқбузарликларни текширишнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда институционал механизмлари, болаларнинг меҳнатга жалб этилишининг олдини олишга қаратилган амалга оширилиши, шунингдек, болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари ва бу борадаги давлат сиёсатининг самарадорлиги ҳисобга олинган.

— Ўзбекистон, ҳақиқатан ҳам, қисқа вақт ичида таъсирчан тараққиётга эриша олган намунали давлатга айланиб бормоқда, — деди АҚШ Меҳнат вазирлигининг Болалар меҳнати, мажбурий меҳнат ва одам савдоси офиси (ILAB) вакили Сара Соломон.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ бешинчи ялпи мажлиси очирилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ бешинчи ялпи мажлиси 2023 йил 29 сентябрь куни соат 10.00 да Тошкент шахрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа тарзида ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

ЯНГИ МАКТАБ — ТАЪЛИМ ВА МУАЛЛИМЛАРГА ҒАМҲЎРЛИК ИФОДАСИ

Дунёда касблар кўп, ҳар бирининг ҳаётда ўз ўрни, ўз аҳамияти бор. Лекин улар орасида шундай улуг касб борки, бошқа барча касблар унинг меҳр ва эътибори оғушида шаклланади, тараққий этади. Бу, табиийки, ўқитувчилик касбидир. Муаллимлик касбларнинг энг машаққатлиси. Кимдир эътироз билдириши мумкин, шифокорлик ёки ҳарбийлар иши ундан ҳам қийин, дея. Тўғри, кишилар саломатлиги ёхуд эл тинчлиги посбони бўлиш шарафли иш. Бироқ шифокорни ҳам, аскарни ҳам мураббий тарбиялайди, муаллим камолга еткази.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Шу ҳақиқатни теран англаган ҳолда айни пайтда жаҳон ҳамжамияти эътиборига тушаётган қардош Ўзбекистон халқи ҳар йили 1 октябрни Ўқитувчи ва мураббийлар куни сифатида кенг нишонлайди.

Мамлакатда билимсевар ёшларни ўз фарзандидек севадиган минглаб фидойи ўқитувчилар фаолият юритаётгани, уларнинг меҳнати кадр топаётгани, шунингдек, таълим тизимини жаҳон андозалари асосида янгилаш, янги илм масканлари қуриш, уларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ишлари изчил давом этаётгани дунё миқёсида эътироф қилинмоқда.



ОРОЛ ФОЖИАСИНИ ЮМШАТИШ ВА ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИ ЯХШИЛАШ ХАЛҚАРО ҲАМЖИҲАТЛИКНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

Давлатимиз раҳбарининг 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 78-сессиясининг умумий сий мунозаралари чоғида сўзлаган нутқининг асосий мазмуни жаҳонда ҳамжиҳатлик ва амалий ҳамкорлик руҳини сақлаш, умумий манфаатларни мавжуд зиддиятлардан юқори қўйган ҳолда мамлакатларни жиғлаштириш зарурлиги масалаларига бағишланди. Жумладан, нутқда “Биз ўтган йили умумий хавфсизлик ва тараққиётга қаратилган “Самарқанд бирдамлик ташаббуси”ни илгари сурдик. Асосий мақсадимиз мамлакатларимиз ва халқларимизнинг бугунги куни ва истиқбол учун масъулиятни ҳар томонлама чуқур англаш, очик ва конструктив ҳамкорликка тайёр барча томонларни глобал мулоқотга жалб қилишдан иборат”, деб алоҳида қайд этилди.

Нуктаи назар

Президент Шавкат Мирзиёев, шунингдек, 2024 йилда БМТ Бош қотиби ташаббуси билан Келажак саммити ўтказилиши халқаро ва минтақавий тараққиётнинг долзарб муаммоларини ҳал

этишга, ташкилотнинг таъсири ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Нутқда кейинги йилларда Ўзбекистонда амалга ошири-

лаётган ва ортага қайтмас тус олган кенг кўламли ислохотлар натижаларига алоҳида тўхталиниб, глобал ва минтақавий кун тартибидagi долзарб масалалар, ечими бўйича қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари Орол денгизи фожиаси ва иқлим ўзгариши оқибатларига қарши курашиш ҳолати ва бу борада ақин келажақда амалга ошириш зарур бўлган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратди.

Дарҳақиқат, айни пайтда дунёнинг кўплаб минтақаларида экологик вазият кескинлашган. Бунга бир-бирига боғлиқ учта инқироз, яъни иқлим ўзгариши, биохилмаҳиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлосланиши қучайиб бораётганлиги асосий сабаб бўлмоқда.

Миллион-миллион аҳоли

яшайдиган улкан ҳудудлар, жумладан, Марказий Осиё ҳам, иқлим ўзгаришлари оқибатлари туфайли ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан катта зарар кўрмоқда, экологик вазият бузилаётган, аҳоли саломатлигига жиддий пугтур етмоқда. Масалан, сўнгги йилларда Ўзбекистонда ўртача йиллик ҳарорат 13,2 дан 14,8 даражага кўтарилди, яъни 1,2 даражага ошди. Бу жаҳон бўйича ўртача кўрсаткичдан юқоридир.

Аллақачон глобал муаммога айланган Орол денгизи сатхи кескин камайиши билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш борасида Ўзбекистон ўз имкониятлари даражасида улкан чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Орол денгизи фожиаси ва экологик вазиятни юмшатиш бўйича саъй-ҳаракатлар

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳамоханг тарзда бажарилмоқда.

Бу даврда “иссиқхона газлари” чиқиндиларини қисқартириш ва иқлимга чидамлилик даражасини ошириш бўйича давлат миқёсида қатор комплекс дастур ва стратегиялар қабул қилинди. Жумладан, 2022 йил 30 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2022 йил 2 декабрда эса “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.



Акс садо

ЁШЛАРНИ РУҲЛАНТИРГАН ТАРИХИЙ МУЛОҚОТ



Президентимиз Шавкат Мирзиёев АҚШга ташрифи доирасида шу ерда яшаётган ва ишлаётган бир гуруҳ ватандошларимиз ҳамда “Эл-юрт умиди” жамғармаси кўмағида етакчи олий таълим даргоҳларида таҳсил олаётган ёшлар билан учрашди. Бу тарихий воқеа ёш авлод қалбида ўчмас из қолдирди. Самимий ва кутаринки кайфиятда ўтган мулоқот ҳақида учрашув иштирокчилари фикр-мулоҳазаларини ёзиб олди.



Қалбимизда ватанпарварлик туйғуси янада юксалди

Шухрат ТОҒАЕВ,
АҚШнинг Колумбия университети докторанти:

— Буюк мутафаккирлар замини бўлган Ўзбекистон фарзандлари бугунги кунда ҳам юксак билим ва салоҳиятини дунёга намойиш этмоқда. Жумладан, кўплаб юртдошларимиз АҚШда яшаб, ўз соҳаларида катта муваффақиятларга эришаётир. Улар орасида олимлар, ишбилармонлар, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, талабалар

бор. Улар нафақат ўз касбининг билимдонини, айни пайтда жонажон Ўзбекистонимизнинг бебаҳо бойлигидир. Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга ташрифи, бу ерда яшаётган ватандошлар билан учрашуви, самимий суҳбат кургани қалбимиздаги ватанпарварлик, эл-юрт тақдирига дахлдорлик, фахр-ифтихор туйғуларини янада юксалтирди, десак, айни ҳақиқат.



ЁШЛАРНИ РУҲЛАНТИРГАН ТАРИХИЙ МУЛОҚОТ

Давлатимиз раҳбари биз билан очик мулоқот қилди. Мамлакатимиз олдида турган катта-катта вазифаларни амалга ошириш борасидаги фикр ва мулоҳазалари, тақлифлари билан ўртоқлашди. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси, унинг устувор йўналишлари ҳақида маълумот берди.

Учрашувда Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги ишлар ҳақида сўз борди. Президентимиз қаерда бўлмасин, ёшлар муаммоларини кўтараятгани, биз, навқирон авлод вакиллари билан юзма-юз гаплашиб, фикр-мулоҳазаларимизни тинглаётганини қувонарли ҳол, албатта. Мазкур учрашув ҳам очик ва самимий руҳда ўтди. Президент уч-

рашувга келган ҳар бир юртдошимизнинг ҳаёти ва фаолияти билан қизиқди. Бундай эътибордан бошимиз осмонга етди. Айниқса, она юртимизда илм-фан, таълим, технология, инвестиция ва бошқа соҳаларни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга дахлдор бўлишга, замонавий билим ва тажрибаларини мамлакат ривожига йўналтиришга даъват этганликлари бизга гурур бағишлади. Биз мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшиш истагида илм ўрганишда давом этамиз. Ахир илм — нур, илмсизлик эса зулмат. Илм излаш ёшлар дунёқараши-ни кенгайтириш баробарида муваффақият ва саодат эшикларини очувчи калит ҳамдир.

Давлатимиз раҳбарига елкадош-

миз, деган масъулият ҳамиша бизни ўз устимизда ишлашга, ўқишга, ҳаракат қилишга рағбатлантиради. Президентимиз давлат бошқарувида ҳам бизга кўпроқ суянишини айтди. Айниқса, хорижда таҳсил олаётган, малака ва маҳоратини ошираётган ёшларга ишончи баландлигини таъкидлади. Учрашувда зиммамиздаги масъулиятни янада чуқур ҳис қилдик. Олдимизда турган вазифа, бир томондан, маънавиятли, иккинчи томондан, барча соҳада замонавий ахборот технологиялари ҳамда сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдалана оладиган мутахассислар бўлиб етишиш. Зеро, учинчи Ренессанс пойдеворини қуришда ёшлар етакчи роль ўйнаши керак.



Мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшиш бурчимиз

Ботир КОБИЛОВ,
АҚШнинг Ҳарвард университети Бизнес мактаби докторанти:

— Президентимизнинг АҚШда яшаётган ва ишлаётган бир гуруҳ ватандошларимиз ҳамда ушбу мамлакатнинг етакчи олий таълим даргоҳларида таҳсил олаётган “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатлари билан учрашув очик руҳда, жонли мулоқот шаклида ўтди. Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида сўзлаб берди, мамлакатимиз модернизациясига қўмаклашишда ватандошларимизда улкан салоҳият борлигига эътибор қаратди.

Ҳақиқатан ҳам, дунё иқтисодиётида тўртинчи саноат инқилоби ривожланиши даврида инсон капиталли биринчи ўринга чиқди. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси айнан шу — инсон ресурси ҳисобланади ва қувонарлиси, уларнинг катта қисmini, яъни 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшларга алоҳида эътибор қаратиб, уларга кенг имкониятлар яратиб бермоқда.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида ҳар йили илм-фаннинг бир неча йўналишига устувор аҳамият қаратилиб, улар жадал ривожлантирилишини таъкидлаган эди. Жумладан, “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан илк мартаба бакалавриятга 100 ўрин, магистратура ва докторантурага эса олдинги йиллардагига нисбатан 5 баробар кўп ўрин ажратилиш ташаббуси эълон қилинди. 2018 — 2022 йиллар мобайнида мингдан зиёд иқтидорли ва истикболли ёшлар “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендианти деган юксак мақомга эга бўлди.

Стипендиантларнинг барчаси жамғарма томонидан хориждаги ривожланган давлатларнинг таълим муассасалари ва илгор компанияларида таълим олиши ва стажировка ўташи ташкил этилди. Стипендиатлар дунёнинг жами 40 га яқин давлатларида, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Канада, Италия, Испания, Жанубий Корея, Хитой, Россия каби илгор мамлакатларнинг 240 дан зиёд университетида, илмий марказлари ва нуфузли компанияларида таълим олиб, бугунги кунда аксарияти мамлакатимизга қайтиб, ҳар хил соҳаларда, хусусан, таълим, илмий тадқиқотлар, соғлиқни сақлаш, давлат ва ҳўхўжалик бошқаруви ҳамда иқтисодиётнинг турли тармақларида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ислохотларнинг тақдирини, натижаси, биринчи навбатда, кадрлар савиясига, уларнинг давр ва тараққиёт талабларига нечоғли жавоб бера олишига боғлиқ экан, биз илм олишдан, тажриба ортиришдан, изланишдан толмаймиз. Зеро, жамиятнинг фаол қатлами сифатида эътироф этилувчи ёшлар қатламига “муаммо” деб эмас, балки юрт равнақини таъминловчи катта куч, давлатнинг стратегик ресурси сифатида қаралаётган бугунги кунда бизга билдирилаётган ишончга муносиб бўлиб, юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, қатъий позицияга эга кадрлар сифатида мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўлишни бурчимиз, деб биламиз.

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР МЕҲНАТИНИНГ ЭНГ ЁМОН ШАКЛЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРАДОРЛИГИ БЎЙИЧА ЭНГ ЯХШИ ТОИФАГА КИРДИ

Маърузада 2022 йилда Ўзбекистонда болалар меҳнати-нинг энг ёмон шакллари-ни бартараф этиш борасида се-зиларли ютуқларга эришил-гани ва ўтган йилнинг ок-тябры ойда Президент Шавкат Мирзиёев янги Меҳнат кодексини имзола-гани, бунда болалар меҳ-нати билан шуғулланишга қўшимча чекловлар қўйил-гани қайд этилган. Шунинг-дек, АҚШ Меҳнат вази-рлиги Ўзбекистонда ноқон-уний меҳнатни қисқартириш бўйича Фармон қабул қилинганини ва мамлакат

Хукумати Халқаро меҳнат ташкилоти билан қурилиш соҳасида меҳнат шароитла-рини ҳар томонлама ўрга-ниш учун ҳамкорлик қилга-нини таъкидлаган.

Бундан ташқари, хисо-ботда қайд этилишича, Одам савдосига ва мажбу-рий меҳнатга қарши ку-рашиш бўйича миллий ко-миссия АҚШ ҳукуматининг болалар меҳнати ва одам савдоси юзасидан тавсия-ларини амалга ошириш бо-расидаги ҳаракат режала-рини қабул қилган.

«Дунё» АА.
Вашингтон

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси М. Қодирхонова Жаҳон банкнинг ижтимоий ривожланиш масалалари бўйича катта мутахассиси, лойиҳа раҳбари Роберт Вробель бошчилигидаги делегация вакиллари билан учрашди.

Учрашув

Унда Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасида йўлга қўйил-ган стратегик ҳамкорлик до-ирасида бир қанча йўналиш-ларда қатор лойиҳалар амалга оширилгани эътироф этилди.

Айни чоғда гендер тенг-лики таъминлаш, хотин-қиз-ларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, уларнинг давлат ишларини бошқаришдаги ролини оши-риш, ёшлар сиёсати ҳамда ҳозирги кунда мамлакатимиз-да олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, янгила-нишлар ҳақида фикр ал-масилди.

Мулоқот чоғида сенатор хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатла-рини ишончи ҳимоя қилиш ти-зимини янада тақомиллашти-риш муносабати билан мил-лий қонунчиликка киритилган ўзгаришлар ва янгиликларга тўхталди.

— Қонун бугунги кунда хо-тин-қизлар ҳамда вояга ет-

«Халқ сўзи».

МИЛЛИЙ ДАСТУР ИЖРОСИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Шу билан бирга, Жаҳонда ҳафсизлиги уни-верситетларида Янги Ўзе-бекистон ва инсон ҳуқуқла-рини доирасида "Ахборот соати" ҳамда "Ахлоқ соати" мавзуларида учрашувлар ўтказилиб, унда офицерлар, сержантлар ва курсантлар, талабалар, муддатли ҳарбий хизматчилар қатнашган.

Қисқа муддатли малака ошириш курслари жадавли, қийноқларга қарши курашиш бўйича суриштирув, тергов, дастлабки тергов органлари ва озоодлик маҳрум қилин-ганлар сақланадиган жойлар ҳодимлари учун ўқув дасту-ри ва модули ишлаб чиқил-ди. Режа асосида ҳудудлар-да миллий ва халқаро экс-пертларни жалб қилган ҳолда "Қийноқларга қарши курашиш: халқаро амалиёт ва миллий тажриба" мавзу-да курслар ташкил этилди.

«Халқ сўзи».

Келахак учун энг самарали сармоя

Эркинжон УМАРОВ,
АҚШнинг Питтсбург университети талабаси:



— Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлида жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқ-нинг фаровон бўлиши ўша мамлакатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бе-риладиган эътибор даража-сига чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиё-сатининг энг устувор йўна-лишларидан бирига айланди. Жумладан, “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали йигит-қизларга энг нуфузли хори-жий ўқув юртиларида таҳсил олиш учун стипендиялар аж-ратилмоқда.

Аҳолисининг ярмидан кўпроғи ёшлардан иборат бўлган мамлакатимизда нав-қирон авлодни ҳар томонлама етуқ ва баркамол, интел-лектуал салоҳиятли, ўз қатъий позициясига эга, ислохот-ларга бефарқ бўлмаган, мақ-садга интилувчан, сергай-рат, ватанпарвар, садоқатли, комил шахслар сифатида тарбиялаш Ўзбекистони-

мизни дунёнинг энг ривож-ланган давлатлари сафидан ўрин олишининг муҳим оми-ли эканини Президентимиз билан АҚШдаги юзма-юз уч-рашувдан кейин янада чуқур англадик. Зеро, давлатимиз раҳбари учрашувда таълим-га йўналтирилган харажат-ларни харажат эмас, балки келажақ учун қўйилган энг самарали сармоя деб ҳисоб-лаб, таълим даражаси ва си-фати ҳар қандай давлатнинг истиқболини белгилаб бера-диган муҳим омил эканини таъкидлади.

Тадбирда Ватанимизда пойдевори қуриляётган учин-чи Ренессанс ҳақида ҳам сўз борди. Ушбу орузга етишиш-да катта умид, албатта, биз, ёшлардан. Ренессанс ҳодиса-лари бизнинг заминда, Мар-казий Осиё ҳудудида илдиз ёйган бўлса, бугунги ёш ав-лод қонида ҳам шу буюқ куд-рат зоҳир. Демак, бой тари-химизни, ота-боболаримиз-

нинг улкан ютуқларини тенг-дошларимизга тарғиб этиши-миз керак. Токи, йигит-қизлар улуғ ишларга қодирлигига ишонч ҳосил қилсин. Ана шу биринчи босқични, яъни са-мимий ишонтиришни тўғри амалга оширсак, қолгани ўз-ўзидан рўй беради.

Давлатимиз раҳбари тас-диқлаб берган Янги Ўзбекис-тоннинг тараққиёт стратегия-си негизида “Инсон қадри учун” тамойили турибди. Бу халқпарвар ислохот илгор технологиялар ва интеллект соҳасига ҳам бевосита ижо-бий таъсир кўрсатади. Бун-да шароит ва имкониятнинг муҳим ўрни бор. Мамлака-тимизда булар мавжуд. Президентимиз зарур шароит-ларни яратиб берди, бар-ча соҳада мисли қўйилмаган ислохотлар амалга оширил-моқда. Ахборот технология-лари марказлари очилгачи, сармоялар киритилгачи, олий таълим ривожланиш-ти, тизимни қўллаб-қувватловчи имтиёзлар берилгачи. Насиб этса, биз, ёшлар меҳнатимиз ва изланишимиз билан ол-димизда турган мақсадимиз — учинчи Ренессанс пойде-ворини мустахкам барпо этиб, янги Ўзбекистонни қуриш йўлида, албатта, му-ваффақият қозонамиз.

Мақсадимиз — ишонч ва умидни оқлаш

Абдуманнон ЁВҚОЧЕВ,
АҚШнинг Пенсильвания давлат университети талабаси:



— Биз билим олиш, иқтидоримизни намойён қилиш, салоҳиятимизни кўрсатиш учун катта им-кон берилган, шароит яратилган бир даврда яша-яшамиз. Бунинг исботини, мана, ўз ҳаётимизда қўриб, сезиб турибмиз. “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқа-ли АҚШда давлат та-ҳсил олиш имкониятини қўлга киритдим.

Илгари Президентимиз билан учрашган, ҳамсуҳбат бўлган юртдошларимизга, айниқса, ёшларга жуда ҳавасим келарди. Не бах-ти, мен ҳам бугун улар қаторидаман. Давлатимиз раҳбарининг АҚШга кели-шини интиқлик билан кут-дик. Чунки икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик биз учун жуда муҳим. Президентимизнинг АҚШ-даги ватандошлар ва биз билан учрашишини айтиш-ганида, ростки, жуда қуво-

ниб кетдим. Таассуротла-рим бир дунё. Учрашувдан сўнг Ватанимиз келажаги учун масъулиятни янада чу-қур туйдик. Ўз устимизда ишлаш, ўқиш, изланишга рағбатимиз янада ошди.

Дарҳақиқат, давла-тимиз раҳбарининг, хал-қимизнинг биздан умиди катта. Мақсадимиз — ишонч ва умидни оқлаш. Учрашувда қайд этилгани-дек, бу йўлда машаққат-лар, қийинчиликлар бор, бироқ мамлакатимиз кела-жаги учун изланишдан, би-лим олишдан чарчамай-миз. Агар биз ўз устимиз-да кўпроқ ишласак, ҳар би-римиз таҳсил олаётган йўналишимиз бўйича етак-чи кадрга айлانسакгина, шу Ватан қорига қараймиз. Мен таҳсил олаётган йўна-лиш Ўзбекистон манфаат-ларига мос келади ва ке-

лажақда юртимизга нафим тегишига ишонаман. Қуво-нарлиси, она юртимизга қайтсак, биз учун яна ша-роитлар яратилиши айтил-ди. Бу бизга баланд руҳ беради.

Президентимиз ёшлар учун бир-биридан аъло гоғларни илгари сурмоқда. Айни пайтда биздан таша-ббуслар ҳам кутяпти. Шунга яраша шароит ва имкони-ятлар яратмоқда. Масалан, сунъий интеллект техноло-гиялари соҳасини олайлик. Бу ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган. Ҳозирда юр-тимизга сунъий интеллект технологиялари, асосан, Фарб мамлакатларида ки-риб келяпти. Ҳеч кимга сир эмас, ушбу соҳа энг ривож-ланган мамлакат АҚШ ҳисобланади. Бу ерда сунъий интеллект соҳаси-да фундаментал тадқиқот-лардан бошлаб, ушбу их-тироларни амалда қўллаш-гача барчаси йўлга қўйил-ган. Биз бу ердаги билим ва тажрибани астойдил ўрганиб, зарур салоҳият ва маҳорат билан юртимизга қайтсак, мазкур соҳа риво-жига ҳисса қўша оламиз.

«Халқ сўзи».

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ — ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИДА

Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариштириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси парламент қўйи палатасининг кеча бўлиб ўтган мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинган эди.

Ушбу қонун лойиҳасида парламент палаталари қонун ижодкорлиги фаолиятини тартибга солувчи қонунларни янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштиришга қаратилган нормалар ўз аксини топган. Лойиҳа билан 14 та қонун (жумладан, Сайлов кодекси)га тегишли ўзгариштириш ва қўшимчалар киритиш белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали — regulation.gov.uz ҳамда Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайти — parlament.gov.uzда жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилди.

Маълумот учун, тақлиф ва мулоҳазаларни қабул қилиш мuddати — 2023 йил 28 сентябрдан 14 октябргача давом этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Парламент ахборот маркази.

ЎЗБЕКИСТОН БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ ЙИГИЛИШИГА РАИСЛИК ҚИЛДИ

Шу йилнинг 19 — 26 сентябрь кунлари Нью-Йорқда БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясининг умумий муҳокамаси доирасида силга қарши кураш бўйича юқори даражадаги йиғилиш бўлиб ўтди.

Тиббиёт

Ушбу формат соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат, ҳукумат раҳбар-лари ва вазирлар иштирокидаги йирик халқаро тадбир бўлиб, сил-га қарши курашда ўрта мuddатли истиқболга мўлжалланган глобал вазифаларнинг стратегик мақсад-ларини аниқлашга қаратилган. Фо-рум 2018 йилда Бош Ассамблея-синг биринчи шунга ўхшаш йиғи-лиши ташкил этилганидан беш йил ўтиб ўтказилмоқда. Кейинги учра-шув 2028 йилда бўлиб ўтади.

Унда БМТга аъзо 193 та мамла-катнинг давлат ва ҳукумат раҳбар-лари, соғлиқни сақлаш вазирлари,

Бош Ассамблея раиси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЭКОСОС) раҳбарлари, шунингдек, БМТнинг иختисослаштирилган идо-ралари, парламентлар, халқаро до-нонрлар, фуқаролик жамияти, илмий доиралар, тиббиёт бирлашмалари ва хусусий секторнинг юқори да-ражадаги вакиллари иштирок этди.

Йиғилишнинг биринчи ялпи сес-сиясини Ўзбекистон соғлиқни сақ-лаш вазири Амрилло Иноятлов олиб борди. Вазир ўз нутқида Ўзбекис-тон Президентини Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида силга қарши курашиш миллий тизимини тубдан модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўла-

ли ислохотлар ҳақида атрофлича маълумот берди.

Қўрилган чора-тадбирлар нати-жасида 130 минг кишининг ҳаёти сақлаб қолинди, сил касаллиги би-лан касалланиш 43 фоизга, ўлим даражаси 84 фоизга камайди.

Ўзбекистон Президентининг жо-рий йил январь ойда қабул қилин-ган “2023 — 2026 йилларда фти-зиатрия ва пульмонология хизма-тини янада ривожлантиришга қара-тилган чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарорининг мазмун-моҳияти алоҳида таъкидланди. Хужжатда тиббиёт муассасаларининг мод-дий-техника базасини ривожланти-риш билан бир қаторда латент сил касаллигига қарши скрининг тек-ширувлари сонини йилга 1 мил-лионгача етказиш кўзда тутилган.

Тадбир якунида аъзо давлатлар Ўзбекистон ва Польша муовиф-лаштирувида ишлаб чиқилган Сиёсий декларациянинг бир овоздан

қабул қилдилар. Мазкур хужжат БМТнинг Нью-Йорқдаги Бош қароргоҳида ҳам, халқаро ташки-лотларнинг бош идоралари жой-лашган дунёнинг бошқа шаҳарла-рида ҳам ўтган йил давомида олиб бориладиган пухта тайёргарлик ишла-ри ва жадал давлатлараро музока-ралар натижасидир.

Хужжатда 2030 йилгача силга қарши глобал эпидемияга бар-ҳам беришни жадаллаштириш бўйича аниқ вазифалар ўрин ол-ган. Хусусан, 90 млн. аҳолини сифатли даволаш ва профилак-тика тадбирлари билан таъмин-лаш режалаштирилган. Ушбу жа-раёнда, 2023 — 2027 йилларда, шу жумладан, 4,5 млн. бола, до-рига чидамли сил билан касал-ланган 1,5 млн. бемор қамраб олинади. Шунингдек, аъзо дав-латлар сил касаллигини глобал молиялаштиришни 2027 йилга бориб йилга 5,4 млрд. дол-

лардан 22 млрд. долларгача ва 2030 йилга бориб эса 35 млрд. долларгача, яъни ҳозирги даражадан тўрт баравардан кўпроқка ошириш мажбурияти-ни олдилар.

Сиёсий декларация биринчи марта мамлакатларнинг кейинги 5 йил ичида силга қарши янги ва-қцинани яратиш, ишлаб чиқариш ва фойдаланишни бошлаш мақсадла-рини тасдиқлайди. Ҳозирги вақтда сил касаллигини даволаш учун фойдаланилаётган “БЦЖ” ягона вакцинаси 100 йил олдин ишлаб чиқарилган. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур стратегик ҳуж-жатнинг қайд этилган қондаси сил касаллигини бартараф этишда жа-ҳон ҳамжамиятининг асосий юту-ғидир.

«Дунё» АА.
Нью-Йорк

ОРОЛ ФОЖИАСИНИ ЮМШАТИШ ВА ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИ ЯХШИЛАШ ХАЛҚАРО ҲАМЖИҲАТЛИКНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ



Мақкур ҳужжатлар билан 2030 йилгача бўлган даврда “яшил” иқтисодиётга ўтиш концепцияси ва дастури, саноатда энергия самарадорлигини ошириш дастури, “яшил” иқтисодиётга ўтиш режаси каби улкан чора-тадбирлар тасдиқланди. Шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда ЯИМнинг ҳар бир бирлигига тўғри келадиган “иссиқхона газлари” чиқиндиларини 2010 йилдагига нисбатан 40 фоизга камайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ўқиланиш, қурғоқчилик, чанг-қум бўронлари ва ҳарорат ошишига қарши 600 минг гектар майдонда “яшил тўсиқлар” — ўрмонлар ташкил этиш белгиланди. Хавфли гидрометеорологик ҳолатлар ва тоғ дарёлари оқимлари ҳолати ҳақида олдиндан ҳақоний хабар бериш даражасини мос равишда 100 ва 98 фоизга етказиш чоралари белгиланди.

Куруқлик экотизимларини ҳимоя қилиш ва тиклаш, улардан оқилонга фойдаланиш, ўқиланиш, ер деградацияси жараёнларини тўхтатиш ва қайтариш, биологик хилмаҳиллик қисқаришини бартараф этиш борасида ҳам жуда катта тадбирлар амалга оширилди, қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларга биноан мамлакатимизда сўнгги йилларда ўрмонлар барпо этиш жараёнлари тезлаштирилди ва унинг куруқликдаги умумий майдонга нисбати 8,5 дан 8,7 фоизга етказилди. 2018 — 2022 йилларда Орол денгизининг қуриган тубида 1,7 млн. гектар майдонда қурғоқчиликка чидамли ўсимликлардан иборат яшил ҳудудлар бунёд қилинди.

Мақкур ҳужжатларда 2030 йилгача Оролбўйи ҳудудидagi ўрмонлар майдонини 2,3 млн. гектарга етказиш белгиланган. Айни чоғда Оролнинг қуриб қолган тубида қўшимча равишда 800 минг гектар яшил майдон ҳосил қилиш ва уларнинг умумий майдонини 3,5 млн. гектар ёки 85 фоизга етказишдан улкан чоралар тасдиқланган.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ўрмон майдонларини 6,1 млн. гектарга ва ўрмонлик даражасини 30 фоизга етказиш, юқори самарали чанг ва газ тозалаш ускуналари ҳамда маҳаллий тозалаш иншоотларини ўрнатиш ва модернизация қилиш, 14 та минтақада экологик тоза ҳудуд режимини жорий этиш, йилгача 200 млн. дарахт экиб, қўқалмазорлаштириш даражасини 30 фоизга ошириш, 1984 та яшил боғ, шу жумладан, уч йил ичида 112 та йирик саноат корхонаси ҳудуди ва атрофида 30 млн. дарахтдан иборат “яшил камарлар” ташкил этиш, республиканинг “Яшил макон” умумийлиги лойиҳаси ташабусларига мувофиқ 10 та ҳудудда аэробιολογик мониторинг

тизимларини яратиш режалари кўзда тутилган.

Ўз навбатида, бу кенг миқёсли чора-тадбирлар ва уларнинг амалга оширилиши Орол денгизи фожиаси ва оғир экологик вазиятни юмшатиш учун катта хизмат қилади. Лекин муаммонинг кўлами аллақачон Марказий Осиё минтақасидан ошиб, умумжаҳоний тус олган ва уни ҳал этиш учун халқаро даражада ташкилий хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ҳамда молиявий ресурслар ажратиш талаб этилади. Буни эса фақатгина Ўзбекистон ёки Марказий Осиё давлатлари доирасида ҳал қилишнинг имкони йўқ. Бу саъй-ҳаракатларни давом эттириш учун халқаро ҳамжамиятнинг қўллаб-қувватлаши жуда муҳим аҳамиятга эга.

Орол фожиаси ва иқлим ўзгаришлари оқибатларига қарши курашишда БМТ Бош қотибининг Сув ресурслари бўйича махсус вакили лавозими таъсис этилиши, Марказий Осиёда сувни тежашдиган технологиялар платформасини яратиш, унда “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — сув ресурслари” механизмини ишга солиб, энг илғор технологияларни жалб этиш ва татбиқ қилиш тарафдоримиз. Яшил тараққиёт дастури доирасида минтақамизда тизимли ҳамкорлиқнинг йўлга қўйилиши ўз вақтида бажарилган саъй-ҳаракат бўлди ва у мамлакатимиз томонидан қўллаб-қувватланади.

Бу тараздаги халқаро ҳамкорлик иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган ва шу боис у дунё давлатларининг аксарияти манфаатларига мос келади.

Иқлим ўзгариши оқибатларининг олдини олиш бўйича ўз ташабусларини баён этар экан, **“бу борада “Марказий Осиё иқлим мулоқоти”ни жорий этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман, — деди Ўзбекистон Президенти. — Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршичида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжихатлик” резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурамиз. Унинг асосий мазмунини келгуси йил Самарқандда бўлиб ўтадиган халқаро иқлим форумида муҳокама қилишни тақлиф этамиз”.**

Нутқа ҳаво ҳарорати кўтарилаётганлиги ва унга мослашиш учун қатъий чоралар қўриш зарурлигига ҳам эътибор қаратилди. Турли объектив ва субъектив сабаблар таъсири остида Марказий Осиёда ҳарорат нисбатан кўпроқ ошиб бормоқда. Жумладан, кейинги 30 йилда минтақада ҳаво ҳарорати бир йил даражага кўтарилди. Бу дунёдаги ўртача иссиқдан икки қарра кўпдир. Оқибатда Марказий Осиё давлатлари ҳудудларида жойлашган ва минтақа учун ҳаёт-мамонт даражасида аҳамиятли бўлган музликлар умумий майдонининг қарийб учдан бир қисми йўқолиб кетди.

Ушбу тенденция сақланиб қолинса, яқин йигирма йилда минтақадаги иккита йирик дарё — Амурдарё ва Сирдарё оқими 15 фоизга қисқариши, жон бошича сув билан таъминланиш даражаси 25 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлиги эса 40 фоизга камайиши мумкин.

Бу рақамларнинг ҳар бири

Марказий Осиё давлатлари келажаги учун жуда катта салбий таъсир кўрсата олади. Шунинг учун ҳозирнинг ўзида тегишли чора-тадбирлар кўрилмаса, эртага кеч бўлиши, улкан ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатга ўта жиддий зарар етиши мумкин.

Нутқа яна алоҳида таъкидландики, Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқларини иқлим ўзгаришларига мослаштириш, углерод нейтраллигига эришиш ва “яшил” энергетика улушини кескин ошириш биз учун стратегик вазифа бўлиб қолаверади.

Бу бир-бири билан боғлиқ учта йўналиш бўйича ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Жумладан, Ўзбекистонда иқлим ўзгаришига Миллий мослашиш режасини ишлаб чиқиш жараёни фаол давом этмоқда.

Иқлим ўзгариши энергетика, саноат ва шахар инфратузилмаларининг самарали ишлашига, сув ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигига ва натижада ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган экстремал об-ҳаво ҳодисалари сонининг кўпайишига олиб келади.

Иқлим ўзгаришига мослашиш табиий, ижтимоий, иқтисодий тизимларни ҳақиқий ёки келгусида қўтилаётган иқлим ўзгаришлари ва унинг оқибатларига мослаштиришни билдиради. Содда айтганда, бу иқлим ўзгариши билан боғлиқ потенциал хавфларни камайтириш ёки имкониятлардан фойдаланиш учун амалга оширилган жараёнлар, ҳаракатлар ёки тузилмаларни мослаштиришни аналгатади. Иқлим ўзгаришларига муваффақиятли мослашиш фақат давлат органларининг иши эмас, балки ушбу жараённинг барча иштирокчиси, жумладан, давлат ташкилотлари ва хусусий сектор ҳамкорлиги, фуқаролик жамияти вакилларининг биргаликда ва узлуксиз равишда ҳаракат қилишига боғлиқдир.

Мамлакат иқтисодиётининг асосий тармоқларини иқлим ўзгаришларига мослаштириш лойиҳаларидан бири БМТнинг Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда ва унинг қўмағида худдаланмоқда.

Мақкур лойиҳа иқлим ўзгариши таъсирига энг заиф бўлган иқтисодиёт тармоқларининг чидамлилигини оширишга ва барқарор ривожланишни таъминлашнинг мавжуд механизмларини тақомиллаштиришга қаратилган.

Лойиҳа фаолияти қишлоқ ва сув ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, қурилиш сектори, фавқулодда иқлим ҳодисалари оқибатида юзга келган вазиятларни назоратга олиш ҳамда Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш каби муҳим тармоқларда қабул қилинадиган қарорларнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда углерод нейтраллигига эришиш ва “яшил” энергетикани жадал ривожлантириш энергетика соҳасидаги давлат сиёсатининг энг устувор масалаларидан бирига айланган. Шу йилнинг қиш фаслида оз берган ва узок давом этган аномал совуқ муаммонинг долзарблигини янада оширди ва бу борада тезкор чоралар қўриш заруриятини кун тартибига қўйди.

“Углерод нейтраллиги” деганда, компания ўз ишлаб чиқариш



фаолиятида атмосферага карбонат ангидрид ва бошқа газларни чиқариш микдорини нолга туширганини ёки бу чиқиндиларни манфий углеродли лойиҳалар орқали компенсация қилганини аналгатади.

Углерод нейтраллигига учта асосий усул орқали эришилади: атмосферага чиқарилаётган чиқиндилар микдорини камайтириш ва қайта тикланадиган энергия манбалари (сув, қуёш ёки шамол энергияси)га ўтиш; карбонат ангидридни ҳаводан сўриб олиш; карбонат ангидрид микдорини камайтирувчи лойиҳаларга сармоя киритиш орқали компенсация қилиш.

“Яшил” энергия мукўбил ёки қайта тикланувчи энергия деб ҳам аталади. У табиий ҳолда тикланувчи қуёш, шамол энергияси, ер ҳарорати (геотермал), сув оқимларининг табиий ҳаракати, биомасса энергияси каби шаклларида иборат бўлади. Улар атроф-муҳитга “иссиқхона гази” каби чиқиндилар чиқармайди.

Айни пайтда энергетика соҳасини чуқур ислоҳ қилиш, хусусан, уни хусусийлаштириш, углерод нейтраллигига эришиш, “яшил” энергия ишлаб чиқариш микдорларини кескин кўпайтириш бора-сида катта чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш мақсадида “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва “Исиклик электр станциялари” АЖ акцияларини оммавий жойлаштириш (IPO) орқали босқичма-босқич хусусийлаштириш кўзда тутилмоқда.

“Яшил” энергетикани ривожлантириш ва углерод нейтраллигига эришиш режалари ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, 2030 йилга бориб, мамлакат электр энергиясининг камида 25 фоизини қайта тикланувчи энергия манбаларидан, жумладан, 7 ГВт қуёш ва 5 ГВт шамол энергиясидан ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Гидроэнергетикани ривожлантириш учун 142 та потенциал объект ўрганилиб, 54 та лойиҳа белгиланди. Шунингдек, қувайти 500 кВт.гача бўлган микроГЭС қуриш бўйича 200 та лойиҳа амалга оширилди.

Халқаро илғор тажрибалардан кенг фойдаланиш кўзда тутилди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 19 сентябрдаги АҚШга ташрифи чоғида АҚШнинг “Air Products” компанияси билан ҳамкорликда умумий ҳажми 10 млрд. долларлик лойиҳаларни амалга оширишга келишилди. Инвестицияларнинг катта қисми кўмирни газлаштириш, техник газлар, водород ва аммоний ишлаб чиқариш ҳамда ачиқ газларни утилизация қилиш, карбонсизлантириш бўйича истиқболли лойиҳаларга сарфланади.

Бундан ташқари, “GE”, “Schlumberger”, “Honeywell UOP” каби компаниялар билан ҳамкорлик ишлари олиб борилмақда.

Айтиш мумкинки, юксак минбардан янграган бу сўзлар доимо тинчлик ва ҳамкорлик тарафлари бўлиб келаётган Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига йўллаган эзгу даъватидир.

Одил ОЛИМЖОНОВ,
Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар
маркази бош илмий ходими, и.ф.д., профессор.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ – УСТУВОР МАҚСАД

Бу йил мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеликларга бой давр бўлиб тарихга киради. Чунончи, шу йил 30 апрель куни мамлакатимизда умумхалқ овоз бериш орқали янги таҳрирдаги Конституциямиз қабул қилинган бўлса, 9 июль куни навбатдан ташқари Президент сайлови бўлиб ўтди. Иккита сиёсий жараён ҳам кўтаринки руҳда, фуқароларимиз фаоллигиде ўтказилгани ҳар биримизнинг янги Ўзбекистон келажагига бефарқ эмаслигимизни намоён этди.

Муносабат

Президентимизнинг тегишли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилгани билан янада аҳамиятли бўлди, десак, аини ҳақиқат.

Бинобарин, стратегиянинг биринчи — ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш йўналиши ўзида 44 та мақсадни қамраб олган. Шундан аналгшиладикки, мақсадларнинг 44 фоизи бевосита ушбу йўналишга тўғри келмоқда. Бу эса давлатимиз раҳбари сиёсатида асосий эътибор халқимизни рози қилиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, камбағалликни қисқартириш ва бандлик масалаларига катта эътибор қаратилишини, келгуси йиллар ҳам янгиланган Конституциямизда белгиланган “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойилини ҳаётга татбиқ этиш борасида улкан ислохотлар рўёбга чиқарилишини аналгатади.

Дарҳақиқат, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича сўнгги йилларда улкан ишлар амалга оширилди. 2022 йилда тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар микдори минимал истеъмол харажатларидан кам бўлганлар даражага олиб чиқилди. Аҳолини ижтимоий ёрдам тизими билан қамраб олиш қўламини ҳам ошиб бормоқда. Мисол учун, 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунги кунга келиб, 2 млн. 200 мингдан ортиқ оилаларга қўмақ берилмоқда. Бу жами оилаларнинг 25 фоизига тўғри келади. Аҳрпайлаётган мамлабалар эса 7 баробар кўпайтирилиб, йилгига 12 трлн. сўмдан зиёдни ташкил қилаётди.

Маълумки, Конституциямизга пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг микдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслигига оид норма киритилган. Бу эса хозирда давлатдан моддий ёрдам олаётган 2 млн. 200 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилаларнинг ҳуқуқини қафолатлади.

Стратегияда назарда тутилган мақсадлардан қўришимиз мумкинки, бу борадаги ислохотлар изчил давом эттирилиб, келгуси етти йилда ҳам улкан вазифаларнинг бажарилиши белгиланди. Ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва камбағалликни қисқартириш борасидаги ислохотлар доирасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллилиги ва самарадорлигини қулайтириш, бу хизматлар сифатини ошириш, ижтимоий ҳимоя чоралари доирасига муҳтоҳларнинг барчаси тўлиқ қамраб олинишига эришиш, республиканинг туман ва шаҳарларида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари фаолиятини ташкил қилиш шулар жумласидандир. Шунингдек, стратегиядан келиб чиқиб, келгусида муҳтоҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг сифатли ва замонавий протез-ортопедия буюмлари билан таъминланиш даражасини 100 фоизга етказиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини 2 баробар ошириш мақсад қилинди.

Яқинда маҳаллабай ишлаш тизимини янада қулайтириш чора-тадбирлари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам Президент томонидан стратегия мақсадларини ҳаётга жорий этиш борасида муҳим ва ҳирифалар белгилаб берилди. Хусусан, эҳтиёжманд аҳолини рўйхатга киритиш, моддий ёрдам, субсидия ва кредит ажратиш каби 70 дан ортиқ масалалар, туман ва вилоят идораларига чиқмасдан, маҳалла-

Демак, ўз навбатида, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси мақсадларининг ихросини таъминлаш бўйича қабул қилиниши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида таъйрланиши бўйича парламент аъзолари ҳам тегишли ташкилотлар билан биргаликда ишлаши, ҳар бир қўмиталар ўз йўналишлари доирасида вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлигини янада қулайтириши лозим бўлади. Шунингдек, муайян масалаларнинг бажарилиши бўйича парламент назорати институтларидан кенг фойдаланишимиз мақсада мувофиқдир.

Мавлуда ХўЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси.

ЯНГИ МАКТАБ — ТАЪЛИМ ВА МУАЛЛИМЛАРГА ҲАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Ўзбек халқида “Устоз — отандан улуг” деган мақол бор. Бу бежиз эмас, албатта. Ўзбекистон таълим соҳасига айрича эътибор қаратмоқда, устоз ва муаллимларга шароитлар яратиб бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Озарбайжоннинг Фузулий шаҳрида Ўзбекистон томонидан бунёд этилган Мирзо Улугбек номидаги 1-сонли умумтаълим мактабининг иш бошлаши ҳам қардош мамлакат раҳбарининг таълимга эътибори, юрт равнақи айнан ўқитувчи ва мураббийларга яратиладиган имкониятлар билан боғлиқлигини теран аналгани ифодасидир.

Таъкидланиши жоизки, Ўзбекистон — биз учун ҳаммаша кадрдон, қардош, биродар ўлка. Дўстлигимизни кўз қорачиғиде асраш ҳар биримизнинг мақсади-миз, вазифамиз эканини унутмаслигимиз даркор. Бугун дўстлик ришталаримиз, ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бораётгани, халқларимиз ҳам, мамлакатларимиз ҳам бир-бирига елка тутаетгани, яхши-ёмон кунда бир-бирини

қўллаётгани ҳеч кимга сир эмас. Озарбайжон халқи Фузулий шаҳрида Ўзбекистон томонидан янги таълим масканини қурилиб, фойдаланишга топширилганини синовли кўнларда узатилган қўл сифатида қабул қилди ва гоят мамнун бўлди.

Кувончимиз боиси, ўтган қарийб 30 йилда Фузулий буткул вайрон бўлиб, халқ тили билан айтганда, “арвоҳ шаҳар”га айланганди. Шукрки, 2020 йил баҳорида бу ерда қайта тиклаш ишлари бошланди, бу аснода шаҳарга аста-секин ҳаёт қайтди, жараён ҳозир ҳам дадил давом этиб, янги-янги уй-жойлар қурилмоқда, равон йўллар, ёруқ қўчалар, мактаб-боғчалар, ижтимоий ва транспорт инфратузилмаси бунёд қилинмоқда.

Очиги, шундай муҳим ва оғир паллада қардош халқ биз билан биргалигидан жуда хурсандми. Халқларимиз ўртасидаги муносабатларнинг илдизлари узок ўтмишга эга. Бизни бир дин, тил ва анъаналар, маънавий қадриятлар ва маданият муштараклиги бирлаштириб туради.

2021 йил 31 март куни бўлиб ўтган Туркий кенгашининг норасмий саммитида Ўзбекистон Президенти Қорабоғ заминидеги ёдгорликлар, маданият ва маърифат масканларини қайта тиклашга ўз ҳиссасини қўлишга тайёр эканини таъкидлаганди. Бундан қалбларимиз тўлқинланган.

Кўп ўтмай, шаҳримизда мактаб қурилиши бошланиб кетди. 960 нафар ўқувчини ўз бағрига олувчи замонавий таълим маскани қисқа муддатларда бунёд этилди. Ўқув даргоҳи биноси 3 гектар майдонда қурилган бўлиб, икки қават ва подвалдан иборат. Мақтабимизда 40 та ўқув хонаси, 6 та лаборатория, 2 та компьютер синфи, 5 та функционал ўқув хонаси, 500 ўринли мажлислар зали, спорт зали, 320 ўринли ошхона ҳамда кутубхона мавжуд. Ҳудудда футбол майдони, дам олиш ва тадбирлар ўтказиш жойлари, югуриш йўлаклари, назорат пункти, қозонхона, сув резервуарлари ҳамда трансформатор минстанцияси барпо этилган.

Яқинда Ўзбекистон томонидан мактабимиз кутубхонасига

1500 та турли номдаги китоблар жамламаси совға қилинди. Бу ўсиб келаётган озарбайжонлик ўғил-қизларни Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданиятига, буюқ аждодлар меросига ошно этишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ўзбекистон ва Озарбайжон Президентлари ҳамда уларнинг рафиқалари мактабимизнинг очилиш маросимига иштирок этиши байрамга айланиб кетди. Ўртбошиларимиз ўқув бинолари ва мактаб ҳудуди билан танишиб, ўқувчилар билан самимий суҳбат-лашди, уларга ўқишда муваффақият тилади.

Очилиш маросимида Президентимиз Илҳом Алиев “Бу Қорабоғни тиклашда хорижий давлатнинг илк совғаси ва биз бу биродарлик, ҳамжихатлик ва қўллаб-қувватлашни юксак қадрлаймиз”, дея алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев эса мактабимиз “Самимий дўстлигимиз келажаги ёдгорлиги”, дея атади.

Ушбу мактаб, ҳақиқатан ҳам, шаҳримизга қўрқ бағишлаб турган таълим саройи, десак, муболага

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 00.05 Топширилди — 01.40 1 2 3 4 5 6